# М. С. ГОРБАЧЕВ маърузаси

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

ташлашга, халқлар ҳамкорлигини янги даражага кўтаришга, давлатларнинг буюк иттифоқига бирлашган барча жумҳуриятлар манфаатларини кўзлаб Иттифоқнинг бирлашган сиёсий қудратини, иқтисодий ва маънавий имкониятларини кўпайтиришга имкон берадиган миллий-давлат тузилишини ўрнатиш тўғрисида бормоқда. Шундай қилиб, мамлакат хавфсизлиги ишончли равишда таъминланади, унинг халқаро обрўси оширилади.

Бунда инсон ҳуқуқларининг миллий мустақиллик ва жумҳуриятнинг ҳар қандай манфаатларидан устун бўлиши тўғрисидаги талаб сақланиб қолади. Бу ҳуқуқлар Иттифоқнинг ва ҳар бир жумҳуриятнинг конституцион тузилишида мустаҳкамлаб қўйилиши лозим. Халқаро миқёсда биз амал қилаётган бу принципдан бир қадам ҳам чекиниш мумкин эмас.

Федерация кенгаши тузган махсус комиссия доирасида янги иттифоқ шартномасини тайёрлашга доир ишлар олиб борилмоқда, бу шартнома кўп миллатли давлатимизни тубдан ўзгартириш масалаларининг бутун мажмуини ўз ичига олади.

Агар шундай бўлса ва биз амалда керакли йўналишда ҳаракат қилаётган бўлсак, яқин келажакда туб ўзгариш бўлишига умид қилаётган бўлсак, у ҳолда съезд номидан мамлакатнинг барча халқларига мурожаат қилиб, миллатлараро муносабатларда эҳтиросларни бундан буён авж олдиришнинг хатарли эканлигини англаб етишга, ғаламислар ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш учун қандай ниқобдан фойдаланмасинлар, уларни тўхтатиш ва уларга зарба беришга даъват этиш ўринли бўлса керак. Менимча, халқ биздан бу масала хусусида ана шундай позицияни кутмоқда.

Кўп миллатли давлатимизда туб ўзгаришлар даврига биз қадам қўяётган ҳозирги пайтда барча халқларга осойишталик, тинчлик ва ҳамкорлик зарур. Кўп миллатли буюк мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасига съезднинг ушбу даъвати етиб боради, деб умид қиламан.

Ўртоқлар! Сиёсий ислоҳот юзасидан жуда катта ва ғоят муҳим иш қилинди. Сиёсий ислоҳот зарурлигини қайта қуриш жараёнларини авж олдириб юборган пайтимизда, бошланган иқтисодий ўзгартишлар олдинги сиёсий системага зид келиб тўхтаб қолган пайтда англаб етган эдик. Марказий Комитет бу масалага ғоят жиддий муносабатда бўлди ва вужудга келган муаммоларнинг бутун мажмуини асосли равишда ўрганишга киришди. Мен шу ўринда КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленумининг жуда катта аҳамиятини айтиб ўтмоқчиман. Пленумда биринчи марта сиёсий режимимизнинг амал қилиши, унда партия ва Советларнинг ўрни ҳалол таҳлил қилинди. Айни ўшанда биз халқ ҳокимияти тўғрисидаги ленинча концепцияни ҳаётга татбиқ этиш зарурлиги тўғрисида баралла гапирдик.

Аммо шуни эътироф этиш керакки, партия ва жамиятда январь Пленумининг ғоялари бир хилда қабул қилинмади, бу ғоялар зарур даражада ривожлантирилмади ва чуқурлаштирилмади. Энг асосийси эса —амалий қадамлар қўйилгани йўқ. Нега худди шундай бўлгани эндиликда аён. Гап шундаки, эҳтимолки, кадрларнинг масъулияти тўғрисидаги масала биринчи марта шу қадар ўткир қилиб қўйилган эди. Бу кадрларнинг муайян қисмини безовта қилиб қўйди, уларнинг Пленум қарорларига муносабатига таъсир этди. Ана шундай шароитда Сиёсий бюро ҳамиша ҳам изчил ва принципиал ҳаракат қилмади. Бироқ ҳаёт бизни ана шу масалаларнинг бутун мажмуасига қайтишга, қайтганда ҳам мамлакатда авж олиб кетган демократиялаш тазйиқи остида қайтишга мажбур этди. Худди ана шундай вазиятда партия XIX конференциясини ўтказиш ғояси пайдо бўлди. Кенг қамровли сиёсий ислоҳот тўғрисидаги масала бу анжуман кун тартибидаги асосий масала бўлди.

Конференцияда ишлаб чиқилган принциплар негизида эндиликда биз демократик сайлов натижасида тузилган юқоридан қуйигача ҳокимиятнинг янги муассасаларига эга бўлдик. Шуни таъкидлаш мумкинки, бу — қайта қуришнинг энг асосий ғалабаларидан биридир, жамиятни янгилаш йўлидаги энг муҳим қадамдир, бусиз эса биз жамиятни инқилобий ўзгартиришнинг янги босқичига чиқишимиз мушкул бўлур эди. Сиёсий системани ислоҳ этиш жараёни мураккаб кечмоқда. Партия, давлат, совет органлари, жамоат ташкилотларининг мавқеи ва вазифалари ўзгармоқда.

Рўй-рост айтадиган бўлсак, буларнинг ҳаммаси оғир кечмоқда, чунки аҳолининг жуда турли-туман ижтимоий табақалари ва гуруҳларининг манфаатларига, мамлакат бошқарувининг бутун системасига, шу юмушлар билан банд бўлган миллионлаб одамларга дахлдордир.

Буларнинг ҳаммасини уқиб олса бўлади, ўртоқлар. Фақат бир нарсани таъкидламоқчиман: агар биз шу йўлдан бормаганимизда жамиятнинг тобора сиёсийлашуви бошбошдоқлик тусини олиши мумкин эди, бу эса долғали ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Буни мустасно этиб бўлмайди. Ҳозирги шароитда, жамият жунбишга келган ва ташвишга тушиб қолган бир вақтда, съездимиз масъулиятни ҳис этса, яқин орадаги мақсадлар ва вазифаларни, ҳаракат режасини белгилаб олса ва булар партияни ҳам, жамиятни ҳам жипслаштирса анжуманимиз ўз вазифасини бажарган бўлади. Ҳозир низолар мавриди эмас, балки қайта қуришни олға силжитиш учун амалий ишлар давридир.

Сиёсий ислоҳотнинг иккинчи босқичи тугалланган ҳозирги пайтда биз партиянинг вазифасини янги барпо этилган халқ ҳокимияти органларининг қарор топишига кўмаклашишдан иборат деб биламиз. Ҳозир республикалардаги ҳокимият органларининг фаолиятида инқилобий ўзгаришлар рўй бермоқда, илгари марказда ҳал қилиб келинган масалаларнинг анчагина қисми уларнинг ихтиёрига ўтмоқда. Бу нарса уларга янги имкониятлар беради, аммо ишларнинг бориши учун, ижтимоий-иқтисодий масалалар ва халқнинг кундалик турмушига дахлдор бўлган бошқа масалаларнинг ҳал этилиши учун уларнинг масъулиятини ҳам оширади.

Маҳаллий Советлар ва ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги қонунга мувофиқ маҳаллий Советларнинг мавқеи ҳам тубдан ўзгармоқда. Эндиликда катта моддий бойликлар уларнинг ихтиёрида бўлади, бу бойликлардан районларни ва шаҳарларни ривожлантириш манфаатларини кўзлаб оқилона фойдаланиш керак. Советларнинг иши янги қонун чиқарувчилик негизида, янги ташкилий шаклларда ўтаётганлигини, Советлар аппаратининг тузилиши ва ҳолати тубдан ўзгараётганини бунинг ёнига қўшадиган бўлсак, у ҳолда ҳақиқатан ҳам ҳаётий муҳим вазифалар кўплиги маълум бўлади. Янги ҳокимият органларининг қарор топиш жараёни тезроқ рўй беришидан биз ҳаммамиз жуда манфаатдормиз, бинобарин, партия комитетлари демократиялаш жараёнлари ривожланишига, Советларнинг янги ҳокимият ваколатларини ўзлаштиришига ҳар томонлама кўмаклашишлари лозим.

Ҳозир, ўртоқлар, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш вазифаси биринчи ўринга чиқиб қолди. Турли анжуманларда одамлар партияга ҳам, Совет ҳокимиятининг янги сайланган органларига ҳам — жиноятчилик, жамиятга қарши хатти-ҳаракатлар кучайиб бораётганини тўхтатинглар, ҳуқуқ-тартиботни кескин мустаҳкамланглар, деган қатъий талабни қўймоқдалар. Съездда қонун ҳамма жойда амал қилиши кераклигини таъкидлашнинг ўзи билан чекланиб бўлмайди. Биз бу ҳақда илгари ҳам неча марталаб гапирганмиз. Бироқ ҳозирча иш яхшилик сари секинлик билан ўзгармоқда. Шу сабабли биз вужудга келган мураккаб вазиятни чуқурроқ таҳлил қилишимиз ва ўз фикр ва таклифларимизни айтишимиз керак.

Мен аввало эътиборингизни қуйидагиларга қаратмоқчиман. Биз ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликнинг ҳолати мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий барқарорлик даражаси билан бевосита боғлиқлигини равшан кўра-билишимиз керак. Модомики, шундай экан, биринчи галда янги тузилган ҳокимият органларининг фаолияти мана шу даражани мустаҳкамлашга қаратилиши керак. Бу хусусда қандайдир кўрсатмалар ва янги қонунларни пойлаш керак эмас, ҳозирнинг ўзидаёқ аҳволни қатъият билан яхшилаб олиш учун сиёсий ва ҳуқуқий воситалар етарлидир. Фақат ҳаракат қилиш ва кескин ҳаракат қилиш керак. Буни кўпгина Советлар тушуниб олганликлари ва ҳозирнинг ўзидаёқ муаммони ҳал этишга амалий киришганликлари жуда соз. Бироқ ҳали «митингбозлик» босқичида турган Советлар ҳам бор.

Иккинчиси. Кўп нарса прокуратура органлари, ички ишлар министрлиги ва судларнинг ходимларидаги қандайдир ишончсизлик мажмуи билан изоҳланади, деб ўйлайман. Бу нарса митинглардаги ҳаракатлар, намойишлар, турли-туман қатъий талаблар тазйиқи остида вужудга келган. Ёки ҳатто бирон-бир баҳона билан қонунларнинг кучга киришини таъминлашда прокуратурага, милицияга ва судларга халақит берган (ҳозир шундай фактлар кўп) сайлаб қўйилган органларнинг таъсирида ҳам шундай бўлмоқда.

Бунга тоқат қилиб бўлмайди, ўртоқлар. Бу зайлда биз қийин аҳволга тушиб қоламиз. Шу сабабли партия ташкилотлари: биз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ҳар қандай тазйиқ ўтказилишига қаршимиз, деб жамоатчилик олдида баёнот беришлари керак. Мамлакат жамоатчилиги ҳам шу фикрда эканига аминман.

Учинчиси. Биз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари янада мустаҳкамланиши, улар зарур нарсаларнинг ҳаммаси билан таъминланиши, ходимларнинг моддий аҳволи яхшиланиши тарафдоримиз. Дарвоқе, бу йўлда ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки қадамлар қўйилди ва совет кишилари бу ёндашувни қўллаб-қувватламоқдалар. Кўпгина Советлар ҳатто милиция, ҳуқуқ-тартибот органларини амалий равишда мустаҳкамлаш учун ўз территорияларида ресурслар қидириб топишга қарор қилдилар. Бироқ одамларимиз мана шу ишларнинг ҳаммасини қилиш билан бирга маъмурий органларнинг қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳар бир кишининг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўлида самаралироқ ҳаракат қилинишига умид боғламоқдалар.

Яна бир гап бор, ўртоқлар. Мамлакатда ғайриқонуний ҳодисаларга тоқатсизлик муҳитини вужудга келтириш керак. Бу соҳада оммавий ахборот воситалари кўп иш қилишлари мумкин ва лозим.

Ўртоқлар! Биз қайта қуришга киришар эканмиз, одамларнинг онгида инқилоб қилмай туриб, том маънода маънавий уйғониш ва ғоявий янгиланишга эришмай туриб, ҳеч қандай сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ўзгартишларни қилиб бўлмаслигини равшан англаб олган эдик. Қайта қуришга қадар жамият қандай мафкуравий исканжалар орасида турганлиги, омманинг онги қандай ақидалар ва эскирган тасаввурлар асири бўлиб қолганлиги ҳамманинг эсида, деб ўйлайман. Шу сабабли аввал бошданоқ фикрга эркинлик бериш, ақл-идрок билан иш қилишга йўл очиш керак эди. Бу — қайта қуриш стратегиясининг энг муҳим жиҳати бўлди.

Маънавий турмушдаги бемаъни тақиқлар партиянинг ташаббуси билан бекор қилинмоқда, Сталин—Жданов кўрсатмаларининг занжирлари олиб ташланди. Марказий Комитет илм-фан аҳллари ва санъаткор зиёлилар билан неча марталаб маслаҳатлашди, кўпгина фойдали ва мазмундор учрашувлар, мунозаралар бўлди. 1985 йилнинг июнидаёқ фан-техника масалаларига бағишланган муҳим кенгаш ўтказилди. Ўн йилликлар давомида партия ташкилотлари билан зиёлилар ўртасида вужудга келган ажралишни бартараф этиш йўлида қадамлар қўйилди. Партия органлари ижодий фаолиятга васийлик қилишдан, уни белгилаб беришдан воз кечдилар. Ноҳақ қисувга олинган, баъзан эса бадном қилинган кўпгина йирик фан ва маданият арбобларининг пок номлари тикланди.

Маънавий ижодиётнинг бебаҳо асарлари совет кишиларига қайтариб берилди. Партиянинг зиёлилар билан янги муносабатларини вужудга келтириш — қайта қуриш ғалабаларидан бири бўлибгина қолмай, шу билан бирга, уни янада олға силжитишнинг муҳим шарт-шароити ҳамдир. Зиёлилар ҳисса қўшмаганида биз ўзимиз яшаб турган жамиятни, уни янгилаш истиқболларини тушунишда янги марраларга чиқа олмаган бўлур эдик.

Оммавий ахборот воситаларининг янги мавқеи — қайта қуриш йилларида мамлакатдаги маънавий юксалишнинг далилидир. Матбуот жамиятга инқилобий руҳ бағишлади, миллион-миллион меҳнаткашларни ижтимоий турмушда яна қатнаштиришга ёрдам берди. Мавжуд камчиликларга, ҳатто катта нуқсонларга қарамай, матбуотнинг қайта қуришга қўшган жуда катта ҳиссаси ҳам мана шундан иборат.

Коммунистлар ва партиясизлар, барча журналистлар ҳозир, биз чуқур ўзгартишлар босқичига чиқиб олган бир пайтда жамиятнинг барча соғлом кучларини бирлаштириш йўлида янги кенг миқёсли вазифаларни ҳал қилиш учун янада кўп масъулият билан меҳнат қилаверишларига умид боғлашга ҳақлимиз.

Ўртоқлар! Тараққиётимизнинг истиқболини тўғри аниқлаш учун ўз тарихимизга синчков назар ташлашимиз лозим эди. Бу, эҳтимолки, жуда мушкул, қийин кечадиган ва шу билан бир қаторда зарур соғломлаштириш жараёнларидан биридир. Бу ҳолда ҳам партия ташаббусни ўз зиммасига олди. Октябрнинг етмиш йиллиги билан боғлиқ ҳужжатлар бунда бурилиш палласи бўлди.

Сталин қатағонлари давридаги қонунсизликнинг барча жабрдийдалари ишларини қайтадан кўриб чиқиш халқ тарихий ҳақиқатни англаб етишининг энг муҳим қисми бўлди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси комиссиясининг фаолияти натижасида минг-минглаб коммунистлар, партия ва давлатнинг йирик раҳбарлари, ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг вафотидан кейин уларнинг партиявий ва фуқаролик ор-номуси тикланди. Марказий Комитет зўрлаб коллективлаштириш сиёсатига, қишлоқ абгор этилиб бутун мамлакат бошига фожиавий оқибатлар келтирган сиёсатга ўзининг принципиал баҳоларини айтди. Бироқ мен бу ишни ҳали ниҳоясига етказганимиз йўқ, у давом эттирилиши керак, деб ҳисоблайман.

Бошқа кўп ҳужжатлар қатори съездга программавий баёнот лойиҳасида ҳам, қайта қуриш давридаги нутқларда ҳам биз ўтмишимиздаги қайси нарсалардан қатъият билан воз кечишимиз, келажакка нималарни ўзимиз билан олишни истамаслигимиз хусусида етарлича батафсил гапирилган. Аммо биз халқимиз Октябрдан кейин қилган ҳамма ишни бирваракайига рад этишга қаршимиз ва социалистик ғоя илҳом бахш этган совет кишилари ҳар бир авлоди ишига муносиб баҳо берамиз. Улар мамлакатни бадавлат, маданий, гуллаб-яшнаган мамлакатга айлантирмоқчи эдилар ва шу йўлда куч-ғайратларини ҳам, сиҳат-саломатликларини ҳам аяшмадилар. Улар энг даҳшатли урушда бу мамлакатни ҳимоя қилдилар. Тарих олдида уларнинг виждони тозадир.

Марказий Комитетнинг қарорига кўра ҳозир муаллифлар жамоаси «КПСС тарихи очерклари»ни ёзмоқда. Умидворманки, бу асарда илмий ҳалоллик ва холислик билан, қатъиян ҳужжатларга асосланган ҳолда партия ҳаёти ва курашининг ҳаққоний манзараси тикланади.

XXVII съездда умуман маданият соҳасига, айниқса илм-фан ва маорифга ёндашувдаги қолдиқ принципини бартараф этиш вазифаси қўйилган эди. Ўрта ва олий мактабни ислоҳ этишга уриниб кўрилди. Фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш, фан-техника тараққиётини рағбатлантириш хусусида қарорлар қабул қилинди. Аммо рўй-рост айтиш керакки, ҳозирча бу борада силжишлар кам, бунинг сабаби шундаки, ана шу муҳим масалалар тўғрисидаги қарорлар бажарилмади. Биз илм-фан ва маорифни афзал билиб ёндашишимиз лозимлигини ҳали охиригача уқиб олмадик, чоғи, ўртоқлар. Бусиз эса қайта қуришга етарлича шиддат бахш этиб бўлмайди. Биз ҳамиша ақл-заковат куч-қудратининг етишмаслигига рўбарў бўлиб тураверамиз.

Ўз тарихимизнинг кейинги ўн йилликлари ҳам шундан далолат бериб турибди. Кўп йўналишларда, айниқса энг янги технологиялар соҳасида ривожланган мамлакатларга нисбатан орқада қолиб кетган эканмиз, бу мамлакатимизда илм-фан ва маориф тараққиётидаги қолоқлик билан изоҳланади. Айни вақтда сўнгги йилларда ижтимоий-иқтисодий тараққиётда янги марраларни шиддат билан забт этган бир қанча мамлакатлар ана шу шиддат-шижоатни маориф ва илм-фанга муносабатни тубдан ўзгартиришдан бошлаган эдилар. Шу мулоҳазаларни айтар эканман, бу масалалар хусусида яна бир марта ўзимизни ўзимиз танқид қилиш билан чекланиб қолишимизни истамас эдим. Чиқарилган хулосалар кенг миқёсда давлат сиёсатига айланиши керак. Назаримда, съезд бу масала хусусида аниқ-равшан позицияни эгаллаши лозим.

Ижтимоий фанларга муносабат ҳақида бир-икки оғиз гапириб ўтмоқчи эдим. Партия ана шу фанлар эркин тараққиётининг қатъий тарафдоридир. Биз илм-фаннинг холисона гувоҳлиги ва хулосаларига жуда маҳтал бўлиб турибмиз. Олимларнинг ечимлари ва тавсияномаларига катта ишонч билан қарашимиз, уларнинг меҳнати самараларидан сиёсатда ва халқ фаровонлиги йўлида фойдаланишимиз зарур. Яна бир гап бор, ўртоқлар. Оқил давлат ҳамиша ўзининг ақл-заковат ва бадиий бойлигининг қадрига етади. Биз ҳам ақл-заковатли ва истеъдодли кишиларнинг мамлакатдан чиқиб кетиши сабабларини бартараф этиш учун чоралар кўришимиз керак.

Съезд партиянинг позициясини акс эттириши лозим: партия жаҳондаги ва ватанимиздаги барча қадриятлар негизида маданият, адабиёт ва санъатнинг эркин равнақ топиши тарафдоридир. Маданият соҳасида оқилона ўлчамда хўжалик ҳисобини, ўз харажатларини ўзи қоплашни рўёбга чиқариши мумкин. Бироқ маданиятни батамом савдо-сотиқ қаърига отишни талаб этиб бўлмайди. Агар санъат бозорга солинадиган бўлса, санъаткор яна эркини йўқотиши ва яна қарам бўлиб қолиши, жамият эса маънавий талафотлар кўриши мумкин. Партия ижодий эркинликни эътироф этар экан, айни вақтда шуни ошкора айтадики, биз инсонни бузадиган ва уни камситадиган санъатга қаршимиз. Санъатда цензура бўлмаслиги керак, лекин санъаткорнинг халқ олдидаги маънавий жавобгарлиги бўлиши даркор.

Совет маданияти ва санъати арбобларининг кеча матбуотда эълон қилинган съездимизга йўллаган мактубида улар партияга мурожаат этиб, жамият учун ҳаётий муҳим бўлган ана шу барча муаммоларни ҳал этишга янги ёндашувларни қарор топтириш учун КПССнинг таъсири, унинг бутун маънавий ва моддий потенциалидан фойдаланишга даъват этдилар. Халқнинг маънавий олами тўғрисида қайғуриб ва хавотирланиб ёзилган бу даъватга «лаббай» деб жавоб бериш бизнинг муқаддас бурчимиздир. Агар таъбир жоиз бўлса — маданият ва санъат руҳиятимиз экологиясидир ва бу бизнинг биринчи навбатдаги программавий мақсадларимиздан бирига айланиши керак — ишончим комилки, бу барча делегатлар кўнглидаги гапдир.

Ўртоқлар! Қайта қуриш программасини ишлаб чиқар эканмиз, агар мамлакатимиз турмушининг ташқи шарт-шароитлари тубдан ўзгармаса, бу программа амалга ошмаслигини тушуниб турар эдик. Бунинг учун эса биз ёндашувларимизни ўзгартиришимиз ва жаҳонга янги халқаро сиёсатни таклиф этишимиз лозим эди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин жуда катта ижтимоий, миллий, иқтисодий, сиёсий, технологик, илмий, экологик, демографик ўзгаришлар содир бўлди. Оқибатда 70-йилларнинг ўртасига келиб ер юзининг бутун қиёфаси ўзгариб кетди, инсоният турмушининг негизлари ҳам шу таҳлитда ўзгариб бораверди. Янги цивилизация дунёга келмоқда. Дунёга келяпти-ю, аммо у жаҳондаги хавф-хатарнинг беҳудудлигига тоб бера олмай ҳалок бўлиши ёки яшашнинг сифат жиҳатдан бошқача қоидаларини ишлаб чиқиши, мутлақо янги жаҳон сиёсатини ишлаб чиқиши керак.

Замонавий халқаро вазиятнинг таҳлилига таяниб, қуролсизланиш йўлидан бориб ва янги ташқи сиёсатни юритишда муайян тажриба орттириб, халқаро фаолиятнинг учта асосий негизи тўғрилигига ишончимиз комил бўлди.

Биринчидан ўз хавфсизлигингни бошқаларнинг хавфсизлиги эвазига таъминлаш, ўз манфаатларингни бошқаларнинг манфаатларига путур етказиб ҳимоя қилиш мумкин эмас, бошқа халқлар ва давлатлар ўз ишларини қандай юритишлари лозимлигини улардан кўра яхшироқ билишга даъвогарлик қилиш мумкин эмас. Ҳар бир халқ ўз йўлини ўз эрки билан танлаб олишини эътироф этиш жаҳондаги янги тартибни бунёд этишнинг таг-заминидир. Иккинчидан, якка-якка бўлиб, ўз йўлини ижтимоий тараққиётнинг бошқа йўлларига қарама-қарши қўйиб, гуллаб-яшнаётган эркин ва демократик жамият сари йўл очиш мумкин эмас. Биргаликда ривожланиш, биргаликда ижодкорлик, ҳамкорлик давр амридир. Учинчидан, халқ хўжалигимизни жаҳон иқтисодиётига қўшиш фақат ўз иқтисодиётимизни модернизациялаш учунгина зарур бўлиб қолмай, бошқа халқлар билан биргаликда тарихнинг муқаррар тинч даври пойдеворини бунёд этиш, инсониятнинг умумжаҳон муаммоларини ҳал этиш учун ҳам зарурдир.

Йўл-йўлакай шуни таъкидлашим керакки, ҳарбий ишлаб чиқаришни конверсиялаш соҳасидаги ҳамкорлик интеграциямизнинг истиқболли йўналишларидан биридир. Америкаликлар, италияликлар, немислар ва айрим бошқалар билан алоқалар ўрнатилди. Бу соҳа интеграция алоқаларида ўзига хос «йўлбошчи» бўлиши мумкин. Чунки бизнинг ихтиёримизда ҳозир юксак технологиялар ва илғор илмий ечимлар борки, булар, албатта ўзаро фойдали негизда шерикларимизни ҳам қизиқтиради. Бу ўринда биз учун ҳам илмий, ҳам техникавий жиҳатдан замонавий бўлган ишлаб чиқаришларимизни аҳоли эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқарганда ҳам қисқа муддатларда ишлаб чиқаришга жалб этишнинг самарали йўлларидан биридир. Қуролланиш пойгасини кучайтириб турган шак-шубҳа ва ишончсизликнинг энг фаол омилларидан бири заифлашаётгани халқаро сиёсат нуқтаи назаридан фавқулодда муҳимдир.

Конверсия хусусида давлат программаси тайёрланаётганлиги муносабати билан ушбу катта масаланинг бутун муаммосига тўхтаб ўтирмай, шуни айтмоқчиманки, бу жуда катта давлат аҳамиятига молик ишдир. Бу иш пухта ўйланган қарорларни талаб этади. Илмий, кадрлар ва ишлаб чиқариш потенциалидан оқилона фойдаланиш зарур. Биз бу борада яхши ишлашимиз керак. Бундан мақсад дастлабки босқичда йўл қўйилган хатоларни бартараф этишдир.

Янгича ёндашувларга асосланган сиёсат, янгича фикрлаш доирасида олға сурилган ташаббуслар ҳозирнинг ўзидаёқ халқаро вазиятни сезиларли равишда соғломлаштирди, жаҳон уруши хавфини суриб қўйди. Биз учун ҳарбий харажатларни қисқартириш имконияти пайдо бўлди. Мен юқорида айтиб ўтганимдек, маблағларни тинч мақсадларга йўналтириш имконияти бор.

Қайта қуриш ва янгича фикрлаш шарофати билан СССР ва АҚШ ўртасидаги муносабатларда мухолифлик ва қуролланиш пойгасида беллашишдан ҳамжиҳатлик сари, бир қанча масалаларда эса ҳатто шериклик сари бурилиш содир бўлди. Бу бутун жаҳондаги вазиятни яхшилик сари ўзгартирди, инсоният ҳаётида мислсиз тинч давр томон ҳаракатни бошлаб берди.

Хитой билан муносабатлар нормаллашди, бу эса икки улуғ халқ учун ва умуман бутун жаҳон учун жуда катта аҳамиятга моликдир.

Жуда ашаддий «совуқ уруш» ва қуролли мухолифлик майдони бўлган Европада биринчи марта ҳақиқатан ҳам қуролсизланиш, жумладан ядровий қуролсизланиш жараёни бошланди. Давлатимизнинг бутун тарихи мобайнида биз қитъадаги аксарият мамлакатлар билан сира ҳозиргидек яхши ва хайрихоҳ муносабатларда бўлмаган эдик. Умумевропа жараёни неча ўнлаб турли мамлакатлар ва халқларнинг давлатлараро мулоқотининг жаҳон тарихида мислсиз шаклини ярата бошлади. Бу ерда биринчи бор кун тартибига иқтисодий, маданий, экологик ва ахборот муҳитини вужудга келтириш масаласи қўйилди. Буларнинг ҳаммаси бизнинг янги халқаро сиёсатимиз ва ҳамкорлик туфайли юзага чиқди.

Шарқий Европада теран ўзгаришлар бўлмоқда. Бу «социализмнинг инқирозидир» деганларида биз бу қандай «социализм»нинг таназзули, деб сўраймиз. Аслида сталинча яккаҳокимбюрократик системасининг нусхаси бўлган ва биз ўзимиз воз кечган тузумми? Бизга ҳатто таъна қилиб «сиз у ердан жангсиз кетмоқдасиз», демоқдалар. Демак, биз илгари босган ножўя қадамни яна босишни маслаҳат бераётган эканларда. Ахир биз ўша йўлдан қатъият билан воз кечганмиз ва буни қатъият билан қораламоқдамиз.

Дарҳақиқат, савол бор, бу мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти қай йўсинда бўларкин? Аммо бу масала халқларнинг ўзи қандай йўлни танлаб олишига боғлиқдир. Биз танлаб олинган йўл эрки принципига қатъий риоя қилиб ҳаракат қилдик ва бундан буён ҳам шундай бўлади, бу эрк бутун замонавий цивилизация тараққиётининг ва ўзини-ўзи асраб қолишининг шартидир.

Биз Шарқий Европадаги мамлакатлар билан ўз муносабатларимизни бугунги кунда ва эртага қандай қуришимиз керак? Бу — яхши қўшничилик муносабатлари бўлиши керак. География билан бир қаторда тарих ҳам бизни шундай қўшни қилиб қўйди. Тарихимизда, айниқса урушдан кейинги тарихимизда кўпгина ҳақиқатан ҳам эзгу, қимматли қадриятлар бўлди. СССР бу мамлакатларни фашизмдан озод этишда ҳал қилувчи роль ўйнагани ва шундан кейин бир неча бор уларга сидқидилдан ёрдам бергани халқларнинг хотирасида қолди ва у муносабатларимизнинг бундан кейинги равнақига таъсир этмаслиги мумкин эмас. Бундан ташқари, — энг муҳими, — у ҳам бўлса ўзаро иқтисодий ва сиёсий манфаатлардир. Ушбу манфаатлар тинч Европа, «умумий хонадон» сари ҳаракатимизда бизни яқинлаштирмоқда. Варшава Шартномасини ўзгартиришга интилишда бу манфаатлар пайвастадир, бундан бир ой муқаддам Сиёсий Маслаҳат комитетининг Москвада бўлиб ўтган кенгашида шу ҳақда келишиб олинди. Ихтиёрийлик, ўзаро манфаатдорлик, ҳурмат ва ҳамкорликка асосланган муносабатлар — энг мустаҳкам муносабатлардир.

Партия ва халқ янги Ташқи сиёсатга юксак баҳо бердилар. Мазкур сиёсат партия XIX конференцияси ҳужжатларида, СССР халқ депутатларининг биринчи съезди махсус қарорида қўллаб-қувватланди ва тасдиқланди. Янги ёндашувларимиз ва амалий тадбирларимиз бутун жаҳонда кенг кўламда акс-садо берди ва қўллаб-қувватланди. Биз партия ва совет давлати ишлаб чиққан ва ўтказаётган ташқи сиёсий йўлни бадном этишга уринишларни қатъият билан рад этамиз.

КПСС XXVIII съезди ўтган йиллар мобайнида халқаро майдонда эришилган барчага аён самараларга ўзига яраша баҳо бериб, мамлакатимиз ва бутун жаҳон халқи кўз ўнгида янгича фикрлашга асосланган ташқи сиёсий йўлнинг барқарорлигини яна бир карра тасдиқлайди, деб ўйлайман.

Бу йўл самарадорлигининг пойдевори аввало шундаки, унда инсониятнинг ҳозирги ташвишлари ва орзу-умидлари акс этгандир. Айни вақтда шу нарса барчага аёнки, ташқи сиёсатимизнинг самарадорлиги давлатимизнинг куч-қудрати билан таъминланади. Қуролли Кучлар ана шу куч-қудратнинг таркибий қисмидир. Янги ғоялар, амалий ташаббуслар буюк давлатлардан бири томонидан таклиф қилингани жуда катта аҳамият касб этди. Бу давлат янги ғояларни баён этибгина қолмай, ўзининг шу ғояларга содиқлигини амалда тасдиқлади.

Бизнинг мудофаа доктринамиз — бунинг энг ишончли далилидир, шу доктрина асосида биз жуда йирик ҳарбий ислоҳот ўтказмоқчимиз. Съезднинг программавий баёнотида ислоҳотнинг принциплари мустаҳкамлаб қўйилади деб умид қиламан. Армияни бундан буён ҳам партия қўллаб-қувватлайверади. Бу борада ҳеч кимда шак-шубҳа бўлмаслиги керак. Ўз умрини Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишга бағишлаган кишилар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиниши керак. Армия — масъулиятли, кўп ҳолларда эса хавфли давлат ишини бажараётган миллионлаб кишилардир.

Қилинган ишнинг асосий якунлари, жуда лўнда қилиб айтганимизда, ана шулардир, ўртоқлар.

Дарҳақиқат, биз халқимизнинг фаровонлиги ва келажагини ўйлаб, буюк мислсиз ишни бошладик. Камчиликлар, хатолар, кечикиб қолишлар бўлди — мен бу ҳақда айтиб ўтдим. Ҳойнаҳой, сиз ҳам бу масалага қўшимча қилиб гапирасиз.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам ҳаёт биз инқилобий ўзгаришларни бошлаётганимизда тасаввур қилганимизга қараганда анча бойроқ бўлиб чиқди. Ошкоралик ва демократиялаш, миллион-миллион одамларнинг тарихий ижодкорлик майдонига чиқиши жамият тараққиётига ўзининг холис мантиқини бахш этди. Бу мантиқ эса кўпгина кутилмаган ҳам ижобий, ҳам салбий нарсаларни юзага чиқарди. Шу йиллар мобайнида орттирилган тажрибасиз ва билимларсиз, жумладан ўз жамиятимиз ҳақидаги билимларсиз биз эндиликда қайта қуришнинг ҳал қилувчи палласига қадам босмаган бўлур эдик.

## III. ПАРТИЯ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ

Делегат ўртоқлар! XXVIII съезднинг асосий хусусияти шундан иборатки, биз, юқорида айтиб ўтганимдек, қайта қуришнинг бурилиш босқичида ҳамда социалистик йўл доирасида жамиятимиз тубдан ўзгараётган босқичда тўпландик. Инқилобий ўзгаришлар нималарга олиб боради, бу ўзгаришлар меҳнаткашларнинг манфаатларига қанчалик жавоб беради, ижтимоий адолатни, демократия ва озодликни мустаҳкамлайдими? — деган саволлар ҳаммани тўлқинлантирмоқда.

Бу вазиятда, табиийки, кўплаб нуқтаи назарлар вужудга келади. Сизларнинг қўлларингизда бўлган дастурий баёнот лойиҳасини тайёрлаш пайтида буларнинг ҳаммаси ҳисобга олинди. Унда партия халқ олдидаги ўз масъулиятидан келиб чиқиб, яқин орадаги истиқболга мўлжалланган дастур ва сиёсатни таклиф қилади.

Съездолди мунозараси жараёнида партиянинг сиёсий фаолияти ҳаммани ғоят қизиқтирган масала бўлди. Ҳатто партия раҳбарияти ислоҳотларнинг назарий ишланмаларига, концепцияларга эга бўлмаган ҳолда мамлакатни «жаҳоншумул тажриба»га жалб қилди, деган мулоҳазалар ҳам айтилди. Бу гап шу қадар тез-тез такрорланиб турдики, натижада қайта қуришга қарши ўзига хос андоза вужудга келди.

Келинглар, мулоҳаза қилиб кўрайлик. Аввало илгари бир неча бор айтган гапимни такрорлашим керак: қайта қуриш концепцияси — қандайдир бир гуруҳ одамлар миясига ялт этиб келиб қолган фикр эмас. КПСС XX съездидан бошлабоқ партия ва жамиятда изланишлар авж олиб кетди. Афсуски, бу изланишлар қўллаб-қувватланмади, кўпчилик ҳолларда бостирилиб келинди. Социализмнинг сталинча моделини оқлаш йўлида уринишлар қилинган турғунлик йилларида назария расмий сиёсатга лаганбардорларча хизмат қилувчи ролни бажарадиган бўлиб қолди.

Биз тўла асос билан айта оламизки, қайта қуриш қалбимиз армонидир. Зотан, унга асос қилиб олинган концепция жамиятда, партияда, илм-фан ва маданиятда аллақачоноқ етилган ҳамма энг яхши нарсаларни ўзида мужассамлаштирди. 1985 йил апрель Пленуми назарий изланишларга қудратли омил бағишлаб, жамият ҳаётидаги жиддий муаммоларни эркин муҳокама қилиш имкониятини очиб берди. Мамлакат учун ана шу ниҳоятда керакли бўлган ижодий ишга партия, унинг Марказий Комитети бошчилик қилиб, бу иш учун қулай сиёсий шароит яратиб берганлиги ниҳоятда муҳимдир.

Дастлабки босқичдаёқ биз жамият тубдан янгиланишга муҳтож эканлигини англаб олдик. Қайта қуришнинг асосий моҳияти — социалистик йўл доирасида жамиятни чуқур демократиялаш ва инсонпарварлаштириш, уни эркин жамиятга айлантириш, инсонга муносиб турмуш шароитини яратиш фикри ана шу тарзда вужудга келди. Бу фикрни рўёбга чиқариш жараёнида туб иқтисодий ислоҳотлар, сиёсий системада, федерацияда туб ўзгаришлар қилиш, ҳуқуқий давлатни ташкил топтириш ғоялари ишлаб чиқилди. Асосий мағзини умуминсоний қадриятлар устунлиги ташкил қиладиган янги сиёсий тафаккур асослари ишлаб чиқилди. Дунё XX аср охирига яқинлашган пайтдаги барча ғоят катта ўзгаришларни идрок этмай туриб қайта қуриш назариясини яратиш имконияти бўлмас эди.

Биз инқилобий ўзгаришларнинг мақсадлари ва усуллари ҳақидаги ўз тушунчамизни босқичма-босқич чуқурлаштириб бордик. Аслини олганда бу нарса, Ленин таъбири билан айтганда, социализмга нисбатан бутун нуқтаи назаримизни қайта кўриб чиқишни талаб қилди. Натижада биз қайта қуришни янги инқилоб, Улуғ Октябрь бошлаб берган ишнинг мантиқий давоми деган тушунчага келдик.

Мен қайта қуриш назариясини қандайдир ҳар жиҳатдан мукаммал бир нарса, қандайдир тугал система, охирги ҳақиқат деб тасаввур қилиш ниятидан йироқман. Бундай даъволар қилишдан ўзимизни тийдиган пайт келди. Тажриба бизларни ўз-ўзини танқид руҳидаги баҳоларга, мамлакатдаги ва дунёдаги рўй бераётган жараёнларга монанд келадиган назарияга ҳам, сиёсатга ҳам зарур тузатишлар киритишга тайёр туришга ўргатди.

Бинобарин, бизларга, социализмнинг мукаммал янги назариясини баён қилиб беринг дейишганида, биз бундай деб жавоб берамиз: «социализм» тушунчасини фақат ҳаёт, фақат эркин меҳнат, халқнинг ўзини ўзи бошқариши ва фаровонлигигина янги мазмун билан бойитиши мумкин. Агар шундай қилинмаса, агар бу тушунча маърузалар ва бош мақолаларда кўчиб юрадиган тушунча бўлиб қолаверса, уларнинг муаллифлари категориялар моделини ясаш машқи билан шуғулланаверишса, социалистик ғоянинг қадри мутлақо қолмайди. Аввал, сиз ўз мамлакатингиз, ўз халқингиз учун нима қилмоқчи эканлигингизни айтинг, шундагина сиз аслида нимани истаётганлигингиз ва социализм деганда нимани назарда тутишингиз равшан бўлади. Биз айтамизки: социализм — реал ҳаракат, омманинг жонли ижодиётидир. Мен аминманки, КПСС ҳаракат мақсади — инсонпарвар, демократик социализм эканлигини тўғри белгилади.

КПСС XXVIII съездининг дастурий баёноти лойиҳасида бу хусусдаги фикрларимиз таърифлаб берилган. Улар марксизмга қанчалик мувофиқ келади? Бу партиямиз учун принципиал масаладир.

Маълумки, Маркс, Энгельс ва Ленин яратган ижтимоий назариянинг мазмуни XIX аср воқеаларини, Ленинда эса XX асрнинг дастлабки ўн йилликларини ҳам таҳлил қилиш асосида таърифлаб берилди. Ўша пайтдан бери дунё ниҳоятда ўзгариб кетди, шу жумладан марксистик тафаккур, Октябрь инқилоби, халқаро инқилобий ва демократик ҳаракат таъсири остида ўзгарди. Биз эса ўн йилликлар мобайнида турмушимиздаги ҳамма ҳодисаларга жавобларни классикларнинг айтган фикрларидан топишга уриниб келдик, ваҳолонки, уларнинг ўзлари — классиклар ҳар қандай назариянинг тарихий шароит билан боғлиқлигини ҳисобга олишни талаб қилишган, марксизмни ўзига хос муқаддас китобга айлантирмоқчи бўлган кишилар устидан кулишган эди. Ҳаётнинг ўзи бизларни ана шу нарсани ёдда тутиб, марксистик диалектика асосий қонунларининг аҳамиятига ҳақиқий баҳо беришга мажбур этди. Биринчи навбатда конкрет вазиятни конкрет таҳлил қилишни талаб қилди. Фақат шу асосдагина сиёсат учун хулоса чиқаришни талаб қилди.

Қайта қуриш концепцияси, такрор айтаманки, ҳаракатда, доимий ривожланишда бўлиб, олға ҳаракатимиз сари янги ғоялар ва хулосалар билан бойиб бориши керак. КПСС ақидапарастлик ва қироатхонликка қатъий қарши бўлиб, социализм назарияси ва практикасига изчил ижодий ёндашиш, XX аср тарихий тажрибасини, Маркс, Энгельс ва Ленин меросини, инқилобий ва илғор фикр даҳоларининг меросини идрок этиш тарафдоридир.

(Давоми тўртинчи бетда).

# ЕР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши олтинчи, еттинчи бетларда).

гилаш тартиби ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Қонунлари билан белгиланади.

45-модда. **Дам олишга мўлжалланган ерлар**

Аҳолининг уюшган тартибда оммавий дам олиши ва туризм учун тегишли муассасалар ва ташкилотларга берилган ерлар дам олишга мўлжалланган ерлардир.

Дам олишга мўлжалланган ерларда дам олишга халал берадиган фаолият билан шуғулланиш ман этилади.

Дам олишга мўлжалланган ерлардан фойдаланиш тартиби ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР қонунлари билан белгиланади.

46-модда. **Тарих-маданият аҳамиятига молик ерлар**

Тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланиш учун бериб қўйилган тарих-маданият қўриқхоналари, мемориал боғлар, мақбаралар, археология ёдгорликлари ерлари, тарих ва маданият ёдгорликлари жойлашган ерлар тарих-маданият аҳамиятига молик ерлар қаторига киради.

Бу ерлардан ўзга бирор мақсадларда фойдаланиш ман этилади.

Тарих-маданият аҳамиятига молик ерлардан фойдаланиш, улар теварагида муҳофаза зоналарини ҳамда бинолар қуришни тартибга солувчи зоналарни жорий қилиш тартиби ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР қонунлари билан белгиланади.

## VIII. ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИ, СУВ ФОНДИ ЕРЛАРИ ВА ЗАХИРА ЕРЛАР

47-модда. **Ўрмон фонди ерлари**

Ўрмон билан қопланган, шунингдек ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам ўрмон хўжалиги эҳтиёжи учун бериб қўйилган ерлар ўрмон фонди ерлари деб эътироф этилади.

Ўрмонзорлар барпо этиш, жарликларнинг кенгайишини тўхтатиш, шаҳарлар ва саноат марказлари теварагида ихота ўрмонзорлар ва кўкаламзор майдонлар яратиш мақсадида бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ўрмон фонди ерлари таркибига белгиланган тартибда ўтказилиши мумкин.

Халқ депутатлари район Советлари ўрмон хўжалиги давлат идоралари билан келишиб, ўрмон фонди ерларини қишлоқ хўжалигини юритиш учун колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига, муассасалари ва ташкилотларига ижара шартлари асосида вақтинча фойдаланишга беришлари мумкин.

Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш тартиби ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРнинг махсус қонунлари билан белгиланади.

48-модда. **Сув фонди ерлари**

Белгиланган тартибда сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга бериб қўйилган сув ҳавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, ички денгизлар, ҳудуддаги сувлар ва ҳ. к.), музликлар, ботқоқликлар, гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаб турган ерлар, шунингдек сув ҳавзаларининг қирғоқлари бўйлаб ажратиб қўйилган минтақадаги ерлар сув фонди ерлари жумласига киради.

Дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг, шунингдек ичимлик ва рўзғор сув таъминоти, аҳолининг даволаш ҳамда маданий-соғломлаштириш эҳтиёжларига хизмат қиладиган манбалар қирғоғи бўйлаб Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР қонунларида белгилаб қўйилган тартибда сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқ бўйи минтақалари ажратилади.

Дарёлар, магистрал каналлар, коллекторлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг қирғоқ бўйи минтақалари табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари учун ер эгаларидан ва ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилиши мумкин.

Сув фонди ерларидан фойдаланиш тартиби ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРнинг махсус қонунлари билан белгиланади.

49-модда. **Захира ерлар**

Доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга берилмаган ҳамма ерлар захира ерлардир. Буларга ушбу Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилган ерлар ҳам киради.

Захира ерлар халқ депутатлари район Советларининг ихтиёрида бўлади ва ушбу Қонунга мувофиқ кўпроқ қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун эгалик қилиш, фойдаланишга ва ижарага беришга мўлжалланади. Халқ депутатлари район Советлари маҳаллий аҳамиятга молик захира ерларнинг айрим участкаларини ўз қарорлари билан халқ депутатлари қишлоқ (овул) Советлари ихтиёрига беришлари мумкин.

## IX. ЕР ЭГАЛАРИ, ЕРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР КЎРГАН ЗАРАРНИНГ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ҲАМДА ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДАГИ НОБУДГАРЧИЛИКЛАРНИНГ ЎРНИНИ ҚОПЛАШ

50-модда. **Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар кўрган зарарни қоплаш**

Ерларини олиб қўйиш ёки вақтинча эгаллаб туришдан;

сув ҳавзалари, сув таъминоти манбалари, курортлар теварагида, дарёлар, каналлар, сув ташламалар, йўллар, қувурлар, электр таъминоти ва алоқа линиялари, шунингдек, бошқа объектлар ёқасида муҳофаза, санитария ва ихота зоналари ўрнатилиши муносабати билан ҳуқуқлари чекланишидан;

сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, қишлоқ хўжалик экинлари ва дов-дарахтлар учун зарарли моддалар чиқарадиган бошқа объектлар қуриш ва улардан фойдаланиш оқибатида сувнинг сифати бузилишидан ҳамда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳосил камайишига ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифати ёмонлашишига олиб борадиган бошқа ҳаракатлари натижасида ер эгаларига ва ердан фойдаланувчиларга, шу жумладан ижарачиларга етказилган зарарнинг ўрни (шу жумладан бой берилган фойда) қопланиши керак.

Зарарнинг ўрнини олиб қўйилаётган ер участкалари берилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек фаолияти ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг, шу жумладан ижарачиларнинг ҳуқуқлари чекланишига ёки яқин атрофдаги ерларнинг сифати ёмонлашишига олиб борадиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР қонунларида белгилаб қўйиладиган тартибда қоплайдилар.

Зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда унинг миқдорини аниқлаш билан боғлиқ бўлган низоларни суд ёки давлат ҳакамлиги идоралари ўз ваколатларига мувофиқ ҳал қиладилар.

51-модда. **Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришидаги нобудгарчиликларнинг ўрнини қоплаш**

Қишлоқ хўжалиги ерлари ва ўрмонзорларни, шу жумладан фуқаролар мулки бўлган ва улар фойдаланиб турган қишлоқ хўжалиги ерларини олиб қўйиб, улардан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадда фойдаланиш, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар, шу жумладан ижарачилар ҳуқуқининг чекланиши ёки корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятининг таъсири натижасида ер сифатининг ёмонлашувидан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши кўрган нобудгарчиликнинг ўрнини халқ депутатлари тегишли Советларига қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун олиб қўйилган қишлоқ хўжалик ерлари ва ўрмонзорлар берилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек объектлари атрофида муҳофаза, санитария ва ҳимоя зоналари белгиланиб, қишлоқ хўжалиги ўрмончилик ерларини оборотдан чиқариб юборган ёки мазкур ерларни у қадар қиймати бўлмаган ерларга айлантириб қўйган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қоплайдилар. Бу нобудгарчиликларнинг ўрни ушбу Қонуннинг 50-моддасида кўзда тутилган зарарларни тўлашдан ташқари қопланади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликлари қуйидаги ҳолларда қопланмайди:

ер участкалари якка тартибда уй-жой қуриш учун олиб қўйилганида;

ер участкалари мактаблар, интернатлар, болалар уйлари, мактаб ва даволаш муассасалари қуриш учун олиб қўйилганида.

Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР қонунларида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришнинг нобудгарчиликларини қоплашдан озод қилинадиган ўзга ҳоллар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўрни қопланиши керак бўлган нобудгарчиликлари миқдори ва уни аниқлаш тартиби Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР қонунлари билан белгиланади.

52-модда. **Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тарзида тушган маблағлардан фойдаланиш**

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш тарзида тушган маблағлардан янги ерларни ўзлаштириш, суғориладиган ерларни комплекс реконструкциялаш, коллектор-зовур тармоғини қуриш ва қайта қуриш ҳамда суғориладиган ерларни текислаш ва сув билан таъминланишини ошириш, маданий суғориладиган яйловларни яратиш ҳамда тиклаш, пичанзорлар ва яйловларни тубдан яхшилаш, тупроқнинг унумдорлигини ошириш, шунингдек ерлар олиб қўйилиши ва бошқаларга берилиши муносабати билан бузилган ер тузилишига доир ҳужжатларга тузатиш киритиш ёки лойиҳа ва бошқа ҳужжатларни тузиш учун фойдаланилади.

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети ва халқ депутатлари область Советларининг қарорига мувофиқ бу маблағлардан қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришга қаратилган бошқа тадбирларни амалга ошириш йўлида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тарзида тушадиган маблағлар алоҳида ҳисобга олинади ва улардан ўрмонлар ва ўрмон минтақалари барпо этиш ва тиклаш, қумликларда, сув ҳавзалари ва дарёларнинг қирғоқ бўйларида дарахтзорлар барпо этиш учун ҳамда ўрмонзорларнинг ҳолатини яхшилашга қаратилган бошқа тадбирларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

## X. ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

53-модда. **Ерларни муҳофаза қилишнинг мазмуни ва тартиби**

Ерларни муҳофаза қилиш ердан оқилона фойдаланиш, ер қишлоқ хўжалик оборотидан асоссиз равишда тортиб олинишининг олдини олиш, зарарли антропоген таъсирдан ҳимоя қилиш, шунингдек тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, ўрмон фонди ерларининг самарадорлигини юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва бошқа тадбирлар силсиласини қамраб олади.

Ерларни муҳофаза қилиш мураккаб табиий ҳосилалар (экосистемалар) бўлмиш экинзорларга уларнинг зона ва минтақа хусусиятларини эътиборга олиб комплекс ёндашиш асосида амалга оширилади.

Ерлардан оқилона фойдаланиш силсиласи табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш руҳида бўлиши ҳамда тупроқнинг сақланишини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, геология жинсларига ва атроф-муҳитнинг бошқа таркибий қисмларига таъсир ўтказиш чекланишини назарда тутмоғи керак.

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар, шу жумладан ижарачилар:

— ён-атрофни саранжом ташкил этадилар;

— тупроқнинг унумдорлигини, шунингдек ернинг бошқа хусусиятларини тиклайдилар ва оширадилар;

— ерларни сув ва шамол таъсирида нурашдан, селдан, сув босишдан, ботқоқланишдан, қайта шўр босишдан, тақирлашишдан, берчлашишдан, ишлаб чиқариш чиқитлари, кимёвий ва радиоактив моддалар билан булғанишдан, уни нобуд қиладиган бошқа жараёнлардан ҳимоя қиладилар;

— экинзорларни бута ва майда дов-дарахтлар, ёввойи ўтлар босиб кетишидан, ерларнинг маданий техникавий ҳолатини ёмонлаштирадиган бошқа жараёнлардан ҳимоя қиладилар;

— ҳосилдан қолган қишлоқ хўжалик ерларидаги тупроқ ҳосилдорлигини қайта тиклашнинг бошқа усуллари бўлмаган тақдирда бу ерлардан фойдаланишни тўхтатиб қўядилар;

— бузилган ерларни қайтадан экинзорга айлантирадилар, уларнинг унумдорлигини ва бошқа фойдали хоссаларини оширадилар;

— ерларни бузиш билан боғлиқ бўлган ишларни ўтказиш чоғида тупроқнинг унумдор қатламини сидириб оладилар, ундан фойдаланадилар ва уни сақлаб қоладилар.

Давлат идоралари умумиттифоқ ва республика дастурлари доирасида ерларни муҳофаза қилиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

Ҳосилдан қолган қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш тартиби Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР қонунлари билан белгиланади.

54-модда. **Ерларнинг ҳолатига таъсир қиладиган объектлар, иморатлар ва иншоотларни жойлаштиришга, лойиҳалашга, қуришга ва ишга туширишга оид экологик талаблар**

Объектлар, иморатлар ва иншоотларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга туширишга оид экологик талаблар ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРнинг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонунлари билан белгиланади. Янги ҳамда таъмирланадиган объектларни, иморатлар ва иншоотларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга тушириш, шунингдек ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган янги технологияларни жорий этиш чоғида ерларни муҳофаза қилиш тадбирлари кўзда тутилиши ва амалга оширилиши керак.

Ерларни ҳосилдан қолишдан ёки бузишдан ҳимоя қилиш воситалари билан таъминланмаган объектларни ишга тушириш ва шундай технологиялардан фойдаланиш тақиқланади.

Ерларнинг ҳолатига таъсир қиладиган объектларнинг жойлаштирилиши ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР қонунларида белгиланадиган тартибда ер тузиш, табиатни муҳофаза қилиш идоралари ва бошқа идоралар билан келишиб олинади.

55-модда. **Ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш**

Ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш — ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг, шу жумладан ижарачиларнинг ва деҳқончилик қилаётган фуқароларнинг тупроқ ҳосилдорлигини сақлаб қолиш ва қайта тиклашдан, ишлаб чиқариш фаолиятининг салбий оқибатларидан ерларни ҳимоя қилишдан манфаатдорлигини оширишга қаратилган ва:

бошқаларнинг айби билан бузилган ерларни тиклаш учун иттифоқ, республика ёки маҳаллий бюджетлардан маблағ ажратишни;

қишлоқ хўжалик соҳасида ўзлаштириш ёки ишларни бажариш лойиҳасида кўзда тутилган даврда ҳолатини яхшилаш босқичида бўлган ер участкаларини ҳақ тўлашдан озод этишни;

енгил шартлар билан кредитлар беришни;

бошқаларнинг айби билан бузилган ер участкаларидан вақтинча фойдаланишни тўхтатиш натижасида даромад камайишининг ўрнини бюджет маблағи ҳисобидан қисман қоплашни;

ерларнинг сифатини яхшилаганлик, илмий асосланган алмашлаб экишни ўзлаштирганлик, тупроқнинг ҳосилдорлиги ва ўрмон фонди ерларининг самарадорлигини оширганлик, экологик соф маҳсулот ишлаб чиқарганлик учун рағбатлантиришни;

ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРнинг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонунларида кўзда тутилган бошқа чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш тартиби ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР қонунлари билан белгиланади.

## XI. ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ УСТИДАН НАЗОРАТ

56-модда. **Ерлардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофазаси устидан давлат назоратини амалга ошириш вазифалари ва тартиби**

Ерлардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофазаси устидан давлат назоратининг вазифалари — барча давлат ва жамоат идораларини, давлат, кооператив ва бошқа жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, шунингдек фуқаролар томонидан — ерлардан самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРнинг Ер тўғрисидаги қонунларининг талабларига риоя этилишини таъминлашдан иборат.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини халқ депутатлари Советлари ва махсус вакил қилинган идоралар амалга оширадилар.

Касаба союзлари, ёшлар ташкилотлари, табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари, илмий жамиятлар ва бошқа жамоат ташкилотлари, шунингдек фуқаролар ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишда давлат идораларига ёрдам берадилар.

Ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР қонунлари билан белгиланади.

57-модда. **Ер мониторинги**

Ер мониторинги ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, уларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш системасидан иборат. Мониторинг структураси, мазмуни ва уни амалга ошириш тартибини СССР Министрлар Совети белгилайди.

## XII. ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ

58-модда. **Давлат ер кадастри ва уни юритиш тартиби**

Давлат ер кадастри ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этиш, ер муносабатларини, ер тузилишини тартибга солиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида халқ депутатлари Советларини, манфаатдор корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларни ер тўғрисида маълумотлар билан таъминлашга мўлжаллангандир.

Давлат ер кадастри ерларнинг ҳуқуқий тартиби, уларни ерга эгалик қилувчиларга, ердан фойдаланувчиларга, ер категорияларига қараб тақсимлаш тўғрисидаги, ерларнинг сифат характеристикаси ва халқ хўжалик қиймати тўғрисидаги зарур маълумотлар ва ҳужжатлар системасидан иборат.

Давлат ер кадастрини юритиш топография-геодезия, картография, тупроқ, геоботаника ва бошқа текширувлари ҳамда изланишлари, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш, ерларни ҳисобга олиш ва уларга баҳо бериш билан таъминланади.

Давлат ер кадастрини ер тузиш идоралари бутун мамлакат учун ягона тартиб асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширадилар.

Давлат ер кадастрини юритиш тартибини СССР Министрлар Совети белгилайди.

59-модда. **Мелиоратив кадастр**

Суғориладиган ерларда сув хўжалиги идоралари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мелиоратив кадастр юритадилар.

## XIII. ЕР ТУЗИШ

60-модда. **Ер тузишнинг вазифалари ва мазмуни.**

Ер тузиш ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни ташкил этишга, ер тўғрисидаги Қонунларни, халқ депутатлари Советларининг қулай экологик муҳитни вужудга келтиришга ва табиий манзарани яхшилашга оид қарорларини амалга оширишга қаратилган тадбирлар системасини ўз ичига олади.

Ер тузилиши халқ депутатлари Советларининг қарорига ёки манфаатдор министрликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек ижарачилар ва деҳқончилик хўжаликларининг аризаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ер тузилиши прогнозлаш мақсадида ва лойиҳа олдидан, хўжаликлараро ҳамда хўжаликлар ичида амалга ошириладиган турларга бўлинади.

Прогнозлаш мақсадидаги ҳамда лойиҳа олдидан бажариладиган ер тузиш ишларига қуйидагилар киради:

1) республика ва унинг регионларининг ер-сув ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш схемаларини ишлаб чиқиш;

2) районлар, областлар ва Қорақалпоғистон АССРнинг ер тузилиши — схемаларини ишлаб чиқиш;

3) ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ прогнозларни, республика ва регионал программаларни ишлаб чиқиш;

4) табиатни алоҳида муҳофаза қилиш, дам олиш ва қўриқхона режимидаги ҳудуднинг жойлашишини ва чегаралари белгиланишини асослаш.

Хўжаликлараро ер тузилишига қуйидагилар киради:

1) жойнинг ўзида қишлоқлар (овуллар), шаҳар посёлкалари, районлар, шаҳарлар, областлар, Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон ССРнинг чегараларини белгилаш;

2) ерларнинг жойлашишидаги ноқулайликларни бартараф этган ҳолда янги ер эгаларини ва ердан фойдаланишни ташкил этиш ҳамда мавжуд ер эгалиги ва ердан фойдаланишларни тартибга солиш лойиҳаларини тузиш;

3) янги ташкил этилаётган, бўлинаётган ҳамда йириклаштирилаётган қишлоқ хўжалик корхоналари, муассаса ва ташкилотларига ер ажратиб бериш лойиҳаларини тузиш;

4) Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ер ажратиб бериш лойиҳаларини тузиш;

5) жойнинг ўзида ер участкаларини ажратиб бериш, ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тайёрлаш.

Хўжаликлараро ер тузилиши ишлари маъмурий районлар ёки бир-бирлари билан ўзаро боғланган хўжаликлар доирасида, Ўзбекистон ССР Қонунларида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади.

Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари бошқа районлар ёки шаҳарлар ва шаҳар посёлкалари ҳудудига тегишли бўлган ҳолларда уларнинг чегараларини ўзгартириш масалалари ўша жойда маъмурий территориал тузилмаларнинг чегараларини белгилаш тартибида ҳал қилинади.

Хўжаликлараро ер тузилиши лойиҳалари тасдиқлангандан кейин натурага (жойга) кўчирилиб, фойдаланиладиган ерларнинг чегаралари белгиланган нусхадаги чегара белгилари билан ажратилади.

Хўжалик ичидаги ер тузилиши колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек ижарага берилган ерларнинг ва деҳқон хўжаликларининг ҳудудини хўжалик ичида ташкил этиб, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилишни, барча қишлоқ хўжалик ерларини (пичанзорларни, яйловларни, боғлар, узумзорларни ва бошқаларни) жойлаштиришни, тупроқнинг сув ва шамол таъсирида нурашига қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқишни, шунингдек суғориладиган ерларни комплекс қайта тузишни ўз ичига олади.

Ер тузиш тартибида ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган бошқа лойиҳалар ҳам ишлаб чиқилиши мумкин.

Хўжалик ичида ер тузилиши лойиҳаларининг амалга оширилиши устидан муаллиф назорати олиб борилади, муаллиф назорати ер тузилишининг таркибий қисмидир.

Ер тузилиши ишлари таркибида топография-геодезия, картография, тупроқ, геоботаника ва бошқа тадқиқотлари ҳамда изланишларини олиб бориш кўзда тутилади.

61-модда. **Ер тузилиши лойиҳасини қараб чиқиш ва тасдиқлаш.**

Жойда маъмурий — территориал тузилмаларнинг чегараларини ўрнатишга доир материаллар Ўзбекистон ССР Қонунларида белгилаб қўйиладиган тартибда, бошқа прогноз ҳамда лойиҳа ишлаб чиқишдан олдинги ер тузиш ишларига доир материаллар эса — тармоқ кўрсатмаларига мувофиқ кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳалари колхозларда — колхоз аъзоларининг умумий йиғилишлари ёки вакиллар йиғилиши томонидан, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалар ва ташкилотларда ана шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг меҳнат коллективлари кенгашлари ва маъмурияти томонидан кўриб чиқилади ва қабул қилинади, шунингдек манфаатдор ташкилотлар билан келишилади.

Хўжаликлараро ер тузилиши ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ер ажратиб бериш лойиҳалари Қорақалпоғистон АССР Олий Совети ва халқ депутатлари тегишли область Советлари томонидан тасдиқланади.

Хўжалик ичидаги ер тузилиши лойиҳалари халқ депутатлари район Советлари томонидан тасдиқланади.

Ер тузилиши лойиҳаларига ўзгаришлар ушбу лойиҳаларни тасдиқлаган идораларнинг рухсати билан киритилади.

Ер тузилишини давлатнинг ер тузувчи ташкилотлари бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

Қишлоқ хўжалик экинзорларини жойлаштириш, ерларни тубдан яхшилаш ва муҳофаза қилиш, ернинг сув ва шамол таъсирида нурашига қарши ва мелиоратив тадбирларни амалга оширишга оид ер тузиш лойиҳалари ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ташаббусига мувофиқ, уларни ўз ҳисобларидан амалга оширилиши мумкин.

## XIV. ЕР ХУСУСИДАГИ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРНИНГ ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

62-модда. **Ер хусусидаги низоларни ҳал этувчи идоралар.**

Колхозлар, совхозлар, бошқа давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролар ўртасида ер хусусида чиққан низолар халқ депутатлари Советлари, ушбу Қонунда белгиланган ваколатларга мувофиқ суд ёки давлат ҳакамлиги идоралари томонидан Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Қонунларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Ерга оид муносабатлар билан боғлиқ бўлган мулкий низолар суд ёки давлат ҳакамлиги идоралари томонидан уларнинг ваколатларига мувофиқ ҳал қилинади.

Қишлоқлар (овуллар) ёки шаҳар посёлкаси ҳудудида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш масалаларида фуқаролар ўртасида чиққан низолар халқ депутатлари тегишли қишлоқ (овул) ва посёлка Советлари томонидан ҳал этилади.

Шаҳар ҳудудида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш масалаларида давлат, кооператив ва жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари билан фуқаролар ўртасида, шунингдек фуқаролар ўртасида чиққан низолар халқ депутатлари шаҳар Советлари томонидан ҳал қилинади.

Район ҳудудида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш масалаларида колхозлар, совхозлар, маҳаллий бўйсунишдаги бошқа давлат, кооператив ва жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўртасида, шунингдек мазкур корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан фуқаролар ўртасида чиққан низолар халқ депутатлари район Советлари томонидан ҳал қилинади.

Томонларнинг бири республика ёки иттифоққа бўйсунувчи корхона муассаса ва ташкилот бўлган ҳоллардаги низолар ҳамда бир областнинг турли районларига қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасида чиққан низолар халқ депутатлари область Советлари томонидан ҳал қилинади.

Қорақалпоғистон АССР ҳудудида томонларнинг бири республикага ёки иттифоққа бўйсунувчи корхона, муассаса ва ташкилот бўлган ҳоллардаги низолар ҳамда Қорақалпоғистон АССРнинг турли районларига қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасида чиққан низолар Қорақалпоғистон АССР Олий Совети томонидан ҳал қилинади.

Турли областларга ёки областлардан бирига ва Қорақалпоғистон АССРга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасида ер тўғрисида чиққан низоларни ҳал қилиш Ўзбекистон ССР Олий Советининг ихтиёрида бўлади.

Ўзбекистон ССРнинг колхозлари, совхозлари, бошқа давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг бошқа иттифоқдош республика ҳудудидаги ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш масалаларига оид низолари, шунингдек бошқа иттифоқдош республикалар колхозлари, совхозлари, бошқа давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларнинг Ўзбекистон ССР ҳудудидаги ерга эгалик қилиш ҳамда ундан фойдаланиш масалаларига оид низолари Ўзбекистон ССР ва манфаатдор иттифоқдош республика вакилларидан тенглик асосларида тузиладиган комиссия томонидан кўриб чиқилади. Башарти, комиссия ўзаро бир қарорга кела олмаса, мазкур масалалар хусусидаги низолар ССР Иттифоқи қонунларида белгиланган тартибда кўриб чиқилиши лозим.

Шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларида умумий ер участкасидан фойдаланиш тартиби хусусида якка тартибда қурилган иморатларга бирга эгалик қилувчилар ўртасида чиққан низолар судлар томонидан кўриб чиқилади.

Умумий ер участкасидан фойдаланиш тартиби фуқароларга тегишли иморатларнинг қисмларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

63-модда. **Ер хусусидаги низо юзасидан чиқарилган қарорни ижро этиш ва унинг устидан шикоят қилиш.**

Ер хусусидаги низо юзасидан чиқарилган қарор унда кўрсатилган муддатда ижро этилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Советининг ер хусусидаги низо юзасидан чиқарган қарорига томонларнинг бири норози бўлган тақдирда қарор устидан томонларнинг бири фуқаро, колхоз ёки бошқа кооператив ёхуд жамоат корхонаси, муассасаси ва ташкилоти бўлганида судга, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўртасида ер хусусида низо чиққанида эса — давлат ҳакамлиги идораларига шикоят қилиш мумкин.

Қарор устидан шикоят қилиниши унинг ижросини тўхтатиб қўймайди.

Ер хусусидаги низо юзасидан чиқарилган қарорнинг ижросини қарор чиқарган идора ёки юқори турувчи идора тўхтатиб қўйиши ё бўлмаса кечиктириши мумкин.

64-модда. **Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРнинг ер тўғрисидаги қонунларини бузганлик учун жавобгарлик.**

Ер участкаларини сотиб олиш ва сотиш, совға қилиш, гаровга қўйиш, ўзбошимчалик билан айирбошлаш ҳақиқий эмас.

Ана шу битишувларда, шунингдек:

ерлардан ўзга мақсадлардан фойдаланганликда;

ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олишда;

қишлоқ хўжалик ерларини ва бошқа ерларни бузишда, уларни кимёвий ва радиоактив моддалар билан, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва оқава сувлар билан булғатишда;

ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган объектларни жойлаштириш, қуриш, лойиҳалаш, ишга туширишда;

ердан фойдаланишнинг табиатни муҳофаза қилиш режим талабларини бажармасликда;

вақтинча эгаллаб турган ерни қайтариб бериш муддатини бузишда ёки шу ерларни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириб бериш мажбуриятларини бажармасликда;

ер эгалиги ва фойдаланиладиган ерлар чегараларининг марза белгиларини йўқ қилиб ташлашда;

ерларнинг давлат рўйхати, ҳисоб — китоби ва баҳолаш маълумотларини сохталаштиришда;

ўрмон фондига қарашли ерларда ўзбошимчалик билан пичан ўришда ва мол боқишда;

ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ёввойи ўтларга қарши кураш чораларини кўрмасликда;

ерлардан хўжасизларча фойдаланишда, ерларни яхшилаш ҳамда тупроқни шамол, сув таъсирида нурашдан ва тупроқнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган бошқа жараёнлардан сақлаш мажбуриятларини бажармасликда айбдор бўлган шахслар ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Қонунларига биноан граждлик, интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари эгасига қайтариб берилади, қонунга хилоф равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган чиқимларнинг ўрни қопланмайди.

Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш, шу жумладан иморатларни бузиб ташлаш ҳам ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаси халқ депутатлари тегишли қишлоқ (овул), посёлка, район ёки шаҳар Советининг қарорига мувофиқ ер эгасига ёки ердан фойдаланувчига қайтарилади.

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш қоидаларини мунтазам суратда бузганлари тақдирда, шунингдек фуқаролар ушбу Қонуннинг 14-моддасидаги 4, 6, 8 ва 9-бандларда кўзда тутилган ҳаракатларни содир қилсалар ер участкаси ёки унинг бир қисми халқ депутатлари Советлари томонидан уларнинг ваколатларига мувофиқ олиб қўйилиши ва бошқа корхона, муассаса ва ташкилотга эгалик қилиш ёки фойдаланиш учун берилиши ёхуд захира ерлар таркибига қўшиб қўйилиши мумкин.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРнинг Ер тўғрисидаги қонунларини бузишлари туфайли етказган зарарнинг ўрнини қоплашга мажбурдирлар.

## XV. ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

65-модда. **Халқаро шартномаларни қўллаш.**

Башарти, ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг халқаро шартномаларида Ўзбекистон ССРнинг Ер тўғрисидаги Қонунида кўзда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартноманинг қоидалари қўлланилади.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1990 йил 20 июнь.

(Ўзбекистон ССРнинг «Ер тўғрисидаги Қонунини кучга киритиш тартиби ҳақида» Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори газетанинг келгуси сонида эълон қилинади).

СПОРТ

### ДАЪВОГАРЛАР

Бугун футбол бўйича жаҳон чемпионатида яна бир финалчи аниқланади. ГФР ва Англия командалари учрашувидан кейин ҳал қилувчи учрашувга йўлланма олувчи иккинчи команда аён бўлади. Кеча эса Аргентина ва Италия командалари дастлабки ярим финал учрашувида ўзаро баҳслашдилар. Жаҳон футбол қироли Пеле чемпионликка даъвогарларни тахмин қилишда ўзига хос фикр билдирди. Унинг таъбирича, 8 июль куни Рим шаҳрида ўтказиладиган ҳал қилувчи ўйинда Италия ва ГФР футболчилари чемпионатнинг олтин медалларига даъвогарлик қиларканлар.

Муҳаррир ўринбосари
Н. ЕҚУБОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.
ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 04660. № 151.